


Абдулазиз қори мулла Маҳмуд ўғли

14:05 / 29.11.2017 14171



“Зиёрат” рукнидаги туркум суҳбатларнинг навбатдаги сонида ўзбек қориларининг устозларидан бири бўлмиш Абдулазиз қори Маҳмуд мулла ўғлининг уйларига ташриф буюрдик. Қори домланинг тўнғич ўғиллари Абдулазиз қори ўғли Абдулатиф билан устознинг ҳаётлик даврларини ёдга олдик. Сиз азизлар билан Абдулазиз қори Маҳмуд мулла ўғлининг ибратли ҳаёт йўллари билан танишиб чиқамиз.

Image not found or type unknown



Image not found or type unknown




Image not found or type unknown




Image not found or type unknown




Image not found or type unknown




Image not found or type unknown




Image not found or type unknown




Image not found or type unknown





Image not found or type unknown



АБДУЛАЗИЗ ҚОРИ МУЛЛА МАҲМУД ЎҒЛИ

Тақдим

Абдулазиз қори Маҳмуд мулла Шомирза хожи ўғли – Ўзбекистон қориларининг устозларидан биридир. Абдулазиз қори 1902 йилда Андижон вилоятининг Хонобод мавзеида, уламо оиласида туғилган. Икки йилда Қуръони каримни тўла ёд олиб, Каломуллоҳ ҳофизи бўлган. 1927 йилда устози Рўзи қори билан Қашқарга (Шарқий Туркистонга) ҳижрат қилди. У ерда ўттиз икки йил мобайнида минглаб талабаларнинг Қуръон саводини чиқарди, Қашқарнинг машҳур олимлари ҳузурида ўз илмини такомиллига

етказди. Эллигинчи йилларда Хитойда динсизлик кучайиб кетгач, 1959 йили оиласини олиб, Тошкентга қайтди. Юртида ҳам ўттиз икки йил давомида миллатдошларига Қуръон зиёсини улашди, кўплаб қориларга устозлик қилди, Алихонтўра Соғуний каби улуғ олимлар билан ҳамфикр, ҳамкор бўлди. 2006 йилнинг август ойида, бир юз тўрт ёшида Тошкентда вафот этди.

Тошкентнинг таниқли Қуръон ҳофизларидан бири, қадрдоним ва қудам Зоҳидхон қори Азимбоев бир куни суҳбат асносида яхши бир таклиф айтиб қолдилар: «Бизнинг юрт – уламолар ва қорилар ватани. Айниқса, Андижон, Наманган, Қўқон ва Тошкентдан кейинги пайтларда жуда кўп машҳур қорилар ва олимлар етишиб чиққан. Аммо халқимиз улар ҳақида етарли маълумотга эга эмас. Устозларимизнинг кўплари улуғ ёшга бориб қолишди, айримлари ҳатто бу дунёни тарк этиб кетишди. Ана шу устозларнинг ҳозирда ҳаёт бўлганлари билан учрашиб, ҳасби ҳолларини қоғозга тушириб қўйсақ, келгуси авлодларга яхши бўларди».

Бу таклиф менга жуда маъқул тушди, биргалашиб, учрашиладиган улуғларнинг рўйхатини ҳам тузиб чиқдик. Биринчи бўлиб тошкентлик машҳур қорилардан Абдулазиз қори даданнинг хонадонларига бориб, у киши билан суҳбат қуришга келишдик. Бир асрдан ортиқ ҳаёт кечириб, умр бўйи Қуръонни кўтариб ўтган бу ҳофизи Каломуллоҳ билан кўришиб, суҳбат қуришни кўпдан буён диллаб юрган эдим.

Ёз тугаётган кунларнинг бирида Зоҳидхон қори билан пойтахтнинг Эскишаҳар қисмидаги, ҳозирги «Зарқайнар» супермаркети олдидаги тор кўчадан бир чақиримча юриб, устоз Абдулазиз қори отанинг хонадонларига кириб бордик. Қори дада шинам ва хушманзара ҳовлида, фарқ пишган анжир соясидаги сўрида салқинлаб ўтирган эканлар. Бизни кўриб, севиниб кетдилар. Ёшларига ярашмаган чапдастлик билан сўридан тушиб, олдин Зоҳидхон қори, сўнг камина билан қучоқлашиб кўришдилар. Сўрига чиқдик. Гавдалари хипчагина, соч-соқоли кумушдай оппоқ, кўзлари тийрак боқувчи, абжир қариянинг юз ёшдан ўтганларига ишониш қийин. Бир аср умр кўрган устознинг қувваи ҳофизаси, ўткир хотираси, воқеалар тафсилотини, юзлаб кишиларнинг ҳасбиҳолини энг майда-чуйдасигача эслаб қолиши кишини ҳайратга соларди.

Абдулазиз қори 1902 йили Андижоннинг Хонободида мулла Маҳмуд Шомирза ҳожи ва Нозикхон аяларнинг хонадонида туғилди. Оталари

Мулла Маҳмуд Бухорода таҳсил олган, боболари Шомирза ҳожи эса ҳажга бориб, Маккада яшаб қолган таниқли олим эдилар. Болаликдан ўткир зеҳнли, фаросатли, заковатли йигит бўлиб ўсган Абдулазиз ота-онанинг тарбияси, даъвати ва қизиқтириши туфайли Қуръонга муҳаббат қўйди, бўш қолди дегунча Каломуллоҳни қўлдан қўймади.

Абдулазиз қори дада шундай ҳикоя қиладилар: «Отамизнинг оталарини Шомирза ҳожи дейишарди, ўзлари катта олим бўлганлар. Отамиз Мулла Маҳмуд домла ҳам Бухорода таҳсил олган эдилар. Бувимнинг исмлари Марям ҳожи ая эди, бобом ва бувим Маккага кетиб қолиб, кўп йиллар ўша муборак шаҳарда яшашган экан. Мен туғилганимда бувим раҳматли хурсанд бўлиб кетганларидан Маккадан Андижонга келган эканлар. Онамни Нозикхон ая дейишарди. Биз фарзандлар олти ўғил, уч қиз эдик. Раҳматли ота-онамиз илмга ихлослари баланд бўлгани учун барчамизнинг яхши таълим-тарбия олишимиз учун астойдил ҳаракат қилишарди. Тўнғич акамиз ҳам мураттаб қори бўлганлар, истиқоматлари Қўқонда эди, кейинчалик Бухорога бориб яшаганлар. У ерда акамизга шаҳарнинг машҳур уламоларидан Асвад маҳдум устозлик қилганлар. Советлар Бухорони эгаллаган пайтда, 1922 йили оғир хасталикка чалиниб, оламдан ўтдилар».

Ўтган асрнинг йигирманчи йиллари бошида замон нотинчланиб, ҳаммаёқда зулм, зўравонлик авжига чиқди. Қўқон хонлиги ва Бухоро амирлиги аҳолиси Русия мустамлакачилари зулмидан азоб чекаётган, динсиз болшавойлар фитнасидан хароб бўлган бир давр эди. Босқинчилар Дукчи эшон қўзғолонини баҳона қилиб, Андижонни ҳам қонга ботирган, шаҳар-қишлоқларни вайронага айлантирган эди. Ана шундай бесаранжом кунларда ёш Абдулазиз мадраса таълимини олиш мақсадида Бухорои шарифга жўнади. Аммо бир вақтлар «Ислом динининг қуввати» деб шарафланган Бухорони динсиз шўро ҳукумати хароба аҳволга солган, аҳли илмларни, қориларни жисман йўқотишга қатъий киришган эди.

Абдулазиз қори ота шундай ҳикоя қиладилар: «Ўрис босқинчилари Бухоро амирини алдов-фитналар билан мағлуб этганидан кейин кўз кўриб, қулоқ эшитмаган қатлиомни бошлаб юборди. Тинч аҳоли, оддий фуқаролар, айниқса машҳур уламолар, шайхлар, мударрис ва дин арбоблари йўқ ердаги баҳоналар билан жисман ва маънан йўқотила бошлади. Болшавойлар шайхулислом ва номдор уламою қорилардан беш юз кишининг рўйхатини тузиб чиқиб, ёппасига қамоққа олади. Сўнгра ҳаммаларини Когон ташқарисига олиб чиқиб, ўзларига чуқур кавлатади.

«Буларга ўқ ҳам ҳайф» дегандай, Бухоронинг кўркию шавкати бўлган уламо ва қориларнинг бирин-кетин калласини узиб, кафансиз, жанозасиз чуқурга ташлайверади. Айтишларича, ана шу жойда икки-уч кунгача тупроқ қимирлаб турган. Бу хунрезликларда ўнлаб мураттаб қорилар, ўлканинг булбул ҳофизлари ҳалок бўлишди ёки умрлари қамоқларда хазон бўлди. Қобил қори, Комил махдум, наманганлик Муҳаммадамин қорилар қамоқда ўлим топишди. Бир қанчалари Ватанни ташлаб, ўзга юртларга бош олиб кетишди. Ўша талатўпларда Бухоро мадрасаларидан бирида мударрислик қилаётган акам бу бедодликларни кўриб, юрак хуружига йўлиқдилар. Уч кун ётиб, сўнг қазо қилдилар. Шундан кейин Андижонга қайтдим. Устоз Рўзи қори домламизнинг қорихоналарига бордим. У киши ҳам болшавойлар қўлига тушган эдилар, аммо истилочиларга аралашиб-ёрдамлашиб юрган бир шогирдлари у кишини таниб қолиб, «Бу одам майда тижоратчи, англашилмовчилик орқасидан буларга аралашиб қопти» деб, устозини ўлимдан қутқариб қолади ва кейинчалик қамоқдан ҳам қочириб юборади. Икки йилга етиб-етмай устознинг қорихоналарида Қуръони каримни ҳифз қилишни такомилига етказиб, мураттаб қори бўлдим. Илк устозим бўлган Рўзи қори домла ўтган асрнинг йигирманчи йиллари бошида Бухородан Андижонга келганларида халқ у кишини ниҳоятда эъзозлаб, машҳур Миркомилбойнинг қорихонасига бош мударрис этиб тайинлади. Шунда ўн икки-ўн уч ёшларда эдим. Дадам раҳматли мени Рўзи қори домла дарс бераётган қорихонга олиб бордилар. Икки йил ўқиб, ўн беш ёшимда қори бўлганман. Дастлабки йиллари советлар дин ишларига унча тўсқинлик қилмаган, мактаб-мадрасалар, қорихоналар бемалол ишлаб турган. Кейинчалик эса «Қуръонни ўзи ўргансину бошқаларга ўргатмасин, бундай ёшдагилар ўқисину ундай ёшдагилари ўқимасин» деган гаплар чиқа бошлади. Уч-тўрт йил ўтгач, қорихоналар батамом ёпиб қўйилиб, қайтиб очилмади. Талабалар гуруҳ-гуруҳларга бўлиниб, ҳар жой-ҳар жойларда яширинча Қуръон ўрганишга киришишди. Бора-бора буларни ҳам тақиқлашди. Қори домламизни ҳам қамоққа олишди. Адашмасам, бу ҳодиса 1927 йили бўлганди. Бойлар, уламолар ёппасига қамала бошлади, ўқишимиз ҳам тўхтаб қолди. Кузга бориб, домламиз қамоқдан чиқиб келдилар ва ҳали бизникида, ҳали бошқа жойларда яшириниб юрдилар. Охири Қашқарга ҳижрат қилишга келишилди».

Юртда мустамлакачиларнинг зулм-истибдоди, динга қарши кураши кучайгандан-кучайиб кетди. Уламолар, дин пешволари, қорилар иймонларини сақлаб қолиш мақсадида бирин-кетин Шарқий Туркистонга, Қашқарга ҳижрат қила бошлашади. Ўша йиллари Афғонистон, Ғулжа,

Қашқар ўлкалари ва Қозоғистоннинг Хитой билан чегарадош ерларига жуда кўп ўзбеклар кўчиб боришган эди. 1927 йили Абдулазиз қори устози Рўзи қорининг ортидан Қашқарга кўчиб бориб, илм таҳсилини давом эттирди. У ерлик уйғурлар ўзбек диндошларини қучоқ очиб кутиб олишди, бор нарсаларини мусофирлар билан баҳам кўришди. Ўзбеклар диёридан кўчиб борганлар Қашқарда мадиналик ансорларнинг маккалик муҳожирларга кўрсатган ажойиб муомаласи намуналарини кўришди, тезда ўзларини ўнглаб олишди. Сафар машаққатларию юрт соғинчи бироз унутилгандай бўлди.

Совет ҳукумати Хитойдан қочоқларни қайтариб юборишни сўради, аммо Хитой томони «Биздан ҳимоя сўраб келганларни қайтара олмаймиз» деб, бунга кўнмади. Шундай қилиб, Рўзи қори ва унинг ўнлаб шогирдлари қаторида Абдулазиз қори ҳам ўттиз икки йил Қашқарда қолиб кетди.

Абдулазиз қори ота ҳикояларидан: «Ўттиз икки йил мусофирликда яшасам ҳам, бир жойда муқим турмадим. Уйғур ўлкаси туманларини кезиб, қанча-қанча қардошларимнинг Қуръон саводини чиқардим, ўнлаб мураббат қорилар тайёрладим. Айни пайтда бирга ҳижрат қилган пири муршидлардан устозим, бир юз ўттиз тўрт ёшда вафот этган Қосим эшон, Бухоронинг сўнгги қозиси Бақохон домла, Абдуллоҳ Хўжандий каби мўътабар зотларнинг хизматларини қилиб, дуоларини олдим. Устозим Рўзи қори билан Қосим эшонга қўл бердик. Қосим эшон Ислом оламида машҳур тасаввуф шайхларидан эдилар. У зот қирқ йил Маккада, йигирма беш йил Деҳлида яшаганлар, ўзи асли урумчилик катта бойнинг ўғли бўлганлар. Хонлик даврида Қўқонда ҳам истиқомат қилиб, ҳатто бир муддат Худоёрхон саройида хазинабон ҳам бўлган эканлар. Бир неча йил Наманганда шайх Абдулазиз Мажзуби Намангонийнинг хизматларида ҳам турганлар дейишади. Яна бир устозим Абдуллоҳ қори Хўжандий етмиш йил Маккада мударрислик қилган, ўша жойда хатми кутубни тугаллаган, Қуръон илмидан ташқари тафсир, ҳадис илмларини ҳам пухта эгаллаган йирик олимлардан эдилар. Ўша йиллари минглаб мусулмонлар коммунизм балосидан қочиб, Қашқардан паноҳ топаётган эди. Қашқарни «Шарқий Туркистон Бухороси» деб улуғлашарди. «Ширин калом» китоби муаллифи Собитхон домламиз ватандошларига азбаройи ҳурмат-эҳтиромлари жўш уриб, ўзлари Маккада туриб, Қашқардаги ҳовли-жойларини устозим Рўзи қорига тақдим этдилар. Қашқар алломалар юртига, машҳур қорилар ватанига айланди. Амир Олимхон даврида Бухоро муфтийси бўлиб турган Бақохон домла Қашқарда илм толибларининг жуда катта жамоасига мударрислик қиларди. Бухорода илм ўқиб, хатм қилиб келган яна бир етук

олим Шамсиддин домла Қашқардаги машҳур Холбек мадрасасининг етакчи мударриси эди. Биз ҳам у кишидан «Кофия»дан сабоқ олгандик. Ҳар пайшанба куни Қашқар бойларидан Баҳоуддинбойнинг уйида олимлар тўпланиб, қироатхонлик қилишар, Қуръонни хатм қилишар эди. Устозим Рўзи қори ҳаётлик пайтларида бу ерга келиб, «Иннаа фатаҳнаа»ни (Фатҳ сурасини) қироат қилардилар. У зотнинг вафотидан кейин Фатҳ сурасини Қодиржон қори ўқиб берадиган бўлдилар. Қашқардаги эллик минг киши сиғадиган жомеъ масжидда бирор кун қорилар мусобақаси тўхтамасди. Улкан масжиднинг меҳробида туриб қироат қилаётган қорининг овози дарвоза олдидаги намозхонга ҳам овоз кучайтиргичсиз бемалол эшитиларди. «Меҳроб мақоми» дегани шу эди».

Бир йили Қашқарда вабо тарқалди. Бу хавfli дард Абдулазиз қорининг устози Рўзи қорига ҳам ёпишди. У хаста устозининг ёнидан бир лаҳза ҳам жилмади, сўнгги нафасигача хизматини қилди. Кароматни қарангки, устозининг вафоти билан вабо ҳам таққа тўхтади. Гўёки қорилар устози ҳалокатли дардни ўзи билан бирга олиб кетиб, халқни ундан халос қилгандай эди. Лекин ҳокимият тепасига коммунистлар келганидан кейин Хитойда «қизил вабо», яъни динсизлик авж олиб кетди. Иймонини асраш учун юртини тарк этган мусулмонлар бошида яна таъқиб-тазйиқ калтаклари ўйнай бошлади. Абдулазиз қорини эса ҳам ватан соғинчи ўртар, ҳам севимли устозидан айрилиқ юрагини қиймалар эди. Бунинг устига эллагинчи йиллар ўртасига келиб, СССР ва Хитой ўртасига совуқчилик тушди. Ўзбекларга юртга қайта олмай қолиш хавфи туғилди. Абдулазиз қори узоқ ўйлаб ўтирмай, оиласини олиб, Тошкентга қайтди.

Юртда ҳам уларни тинч, тўқис ҳаёт кутмаётган экан. Совет давлати роса куч олган, ҳамма ёқда даҳрийлик ҳукмрон эди. Бундай вазиятда Абдулазиз қори отанинг ёшларга Қуръон илмидан сабоқ беришлари ақлга сиғмайдиган иш эди. Аммо ана шундай таҳликали йилларда ҳам қори ота теварак- атрофдаги ёшларни тўплаб, уларга Қуръон зиёсини улашишга ҳаракат қилди. Қуръон илмини ўрганишга бел боғлаганлар Абдулазиз қорининг таълимидан баҳраманд бўлишди. Қори дада кун бўйи хонадонма-хонадон юриб, бўлажак қориларга тажвид ва қироатдан сабоқ берар, бўш қолди дегунча юрт озодлигини сўраб, Аллоҳга дуо-илтижолар билан ёлборар эди. Абдулазиз қори Қашқардан қайтган йилиёқ умрини дин қайғуси ва миллат ҳуррияти учун бахшида қилган атоқли саркарда ва давлат арбоби, етук олим Алихонтўра Соғунийнинг яқин шогирди ва закий фикрдошига айланди.

Абдулазиз қори шундай ҳикоя қиладилар: «1959 йили юртга қайтиб келганимизда бу ердаги ҳаёт ҳам анча оғир эди. Биз ҳовли-жой қилган мана шу Эски Жўва атрофлари шаҳар кўринишини олмаган, одамлар жуда ночор яшарди. Гувалак уйлар, асфальт кўрмаган кўчалар, озиқ-овқат ниҳоятда танқис ва қиммат... Динга, диндорларга муносабат ҳам олдингидан яхши эмас эди. Илм аҳллари, уламолар ҳамон таъқиб остида юрарди. Бола ўқитиш ҳақида эса ўйлаш ҳам мумкин эмасди. Қори тайёрлаш ҳам бутунлай издан чиққан бўлиб, битта-иккита масжидда хатм қилишга ижозат тегса, араб юртларидан қорилар таклиф қилинарди. 1975 йилга келибгина илк бор Тошкентдан мураттаб қори етишиб чиқди. Бунда менинг ҳам ҳиссам борлигидан астойдил қувонаман».

Ниҳоят, Абдулазиз қори орзу қилган замонлар етиб келди. Юрт мустақил бўлди. Динимиз, диний қадриятларимиз ўзимизга қайтди. Минг йиллар олдин ҳазрати Усмон розияллоҳу анҳу халифаликлари даврида китобат қилинган ноёб Мусҳаф мусулмонларга қайтарилди. Кўплаб мадрасалар очилиб, уларда бошқа илмларни ўқитиш билан бир пайтда қорилар ҳам тайёрлана бошлади. Ҳар йили республикада қорилар мусобақаси ўтказиладиган бўлди. Бир вақтлардагидек, Рамазон ойида масжидларда хатми Қуръонлар ташкил этила бошланди. Бошқа Қуръон қироати устозлари қатори Абдулазиз қори дада ҳам шогирдларининг иқболидан қувониб, шукроналар айтиб яшади. Зеро, у киши тарбиялаб, таҳсил берган кўплаб шогирдлар бугун масжидларни файзу футуҳга тўлдираётган Қуръон булбулларига айланишган эди. Абдулазиз қори даданинг таълим ва маслаҳатлари шарофатидан биргина андижонлик Абдулбоқий қорининг ўзи (устози Рўзи қорининг ўғли) уч юз нафардан ортиқ мураттаб қори тайёрлади.

Абдулазиз қори ҳикоя қиладилар: «Қорилик – атои Ҳақ. Қорилик ҳам зеҳни ўткир, меҳнатдан қочмайдиган, Аллоҳнинг каломига чин муҳаббат қўйган одамларгагина насиб қилади. Қуръонни ёдда сақлаш учун уни мунтазам такрорлаб ўқиб бориш, малака ҳосил қилиш керак. Мен мана шу кекса ёшимда ҳам бир кеча-кундузда Қуръонни хатм қила оламан. Масжидга бориб-келгунча бир пора Қуръонни ёддан ўқийман. Ҳолбуки, масжидимиз унча узоқ эмас. Бошладимми, дилимдан ўтаверади. Ҳар қандай ишда бўлгани каби Қуръон ёдлашда ҳам такрор қилиш маҳоратнинг ошувига сабаб бўлади. Ўша йилларда мударрислар тез-тез айтадиган бир ҳикмат бор эди: «Ад-дарсу ҳарфун, ат-такрору алфун», яъни «Бир марта дарс олсанг, минг марта такрор қил!». Устозим Рўзи қори домла биз шогирдларидан шуни талаб қилардилар».

Абдулазиз қори отанинг кўплаб шогирдлари бугун юртда Қуръон илмини, Қуръон қироатини тарқатишда астойдил, холис хизмат қилишяпти. Улардан бири, ўзи ҳам кўплаб шогирдлар тайёрлаган **Зоҳидхон қори Азимбоев устози ҳақида бундай ҳикоя қилади:**

«1974-1975 йиллари Қуръондан ёдлаганларимни у кишидан ўтказиб олганман. Устознинг хонадонларида Қуръонга, қориларга эҳтиром-ҳурмат бўлакча эди. Хонадонга таҳсил олиш бир қори учун келса, уни устознинг ўзлари кутиб олар, ўтқазгани жой тополмас эдилар. Янги кўрпача солар, кетарда палов едирмасдан жўнатмас эдилар. Ниҳоят, мен ҳам ўттиз пора Қуръонни қори отага хатм қилиб, мураттаб қори бўлдим. Ўшанда қори даданинг ҳаяжонлари, қувончлари меникидан ортиқ эди. Ҳатто севинганларидан баралла йиғлаб юборган, «Аллоҳга беҳисоб шукрлар бўлсин, ниҳоят Тошкентимиздан ҳам мураттаб қори чиқди, энди бемалол кўкрагимизни кўтариб юрсак бўлади», деган эдилар».

Тошкент шаҳар бош имом-хатиби Анвар қори Турсунов ҳикоясидан:

«Ўзбекистондаги барча қориларнинг устози Абдулазиз қори отанинг Қуръони каримга, динимиз ва миллатимиз йўлида қилган хизматлари беқиёс, илмлари, тақволари, одоблари беназир эди. Бир фазилатларини айтиб берай: қачон зиёратларида бўлсам, ҳамиша меҳмондўстликларига таҳсин айтардим. Бу файзли хонадонга ким келса ҳам, алоҳида бир ҳурмат-эҳтиром билан қарши олар, эъзозини жойига қўяр эдилар. Ҳатто юз ёшларида ҳам уйларига келган ҳар бир меҳмонга, ҳатто ёш қори болаларга ҳам ўзлари хизмат қилиш пайида бўлардилар».

Қуръони карим Аллоҳ таолонинг каломи, тиловат қилиш, ўрганиш ва амал қилиш учун ваҳий ўлароқ юборилган илоҳий дастуридир. Қуръонсиз Ислому ҳам, иймон ҳам, илм ҳам бўлмайди. Ҳадисда фарзандини қори қилиб етиштирган ота-онага қиёматда нурдан тож кийдирилиши башорат қилинган. Бутун умрини Қуръон тарфибига, илоҳий каломни ўргатишга бағишлаган олимнинг охиратдаги мукофоти қандай бўлишини Парвардигорнинг Ўзи билади. Улуғларимиздан бири: «Агар Қуръон ҳофизини: «Мендан ҳам Аллоҳ неъматига кўпроқ мушарраф бўлган одам бормикин?» деб ўйласа, хато қилибди», деган экан, чунки қоридан кўра кўп неъматга эришган кимса бўлмайди.

Абдулазиз қори дада айтадилар: «Мураттаб қори бўлган ёшлар бир неча усулда синовдан ўтказилиб, сўнгра қориликка ижозат бериларди. Фақирроқ оилаларнинг фарзандларини устозимизнинг ўзлари текшириб

кўриб, рухсат бераверардилар. Бойроқ одамларнинг фарзанди қори бўлса, беш-олти қори тўпланиб, ҳар бири ёш қорининг қироатини алоҳида назорат қилган ҳолда имтиҳон қилишарди. Бола бир кеча-кундузда Қуръонни тугаллаб топшириши керак эди. Ўша пайтда Бухорода имтиҳоннинг «даҳяк» деган усули ҳам бор эди. Бунда Бухоро амири шаҳар майдонида халқ иштирокида қорилар мусобақаси уюштириб, унга шаҳардаги барча қорилар ва олимлар таклиф қилинарди. Бухоро қозикалони имтиҳондан ўтувчи қорига ўзи хоҳлаган жойидан бир сура ўқишни буюради. Ёш қори халқ олдида сўралган жойдан дарҳол тўғри ўқиб кетса, унга бир дўконнинг ужраси вақф қилиб бериларди. Бу эса ўша ёш қори ўн олти олтин танга маошга эга бўлди дегани эди. У энди таъминоти ҳақида бош қотирмай, илм таҳсилига астойдил бел боғлаши мумкин эди. Бироз адашиб ёки иккиланиб-тутилиб қолган қори эса даврандан чиқариб юбориларди».

Абдулазиз қори даданинг илм йўлидаги фидойиликлари, камтарликлари, ҳокисорликлари зарбулмасал бўлиб кетган эди. Бир гал зиёратларига борсак, бироз хомушроқ ўтирибдилар. Сабабини сўрасак, набиралари Абдухалил қори табаррук боболари учун алоҳида баҳаво уй қуриб, кўчириб қўйибди. Қори дадани ўта икром-эъзоз қилгани туфайли барча эски кийимларини чордоққа чиқартириб, тахи бузилмаган кийимларни жавонларига териб қўйибди. Бундан қори даданинг бироз хуноблари чиқиб, набираларига ўзларининг эски кийимларини тушириб беришни буюрибдилар: «Ахир, улар эски бўлса ҳам бут-бутун-ку, увовли тутуди-я!»

У зотни таниганлар устознинг меҳмондўстликлари, шогирдларга ўта меҳрибонликлари, қориларни кўрганда ҳурмат-эҳтиромни муболаға даражасига кўтариб юборишларини ҳамон эслаб юришади.

Юртимиздаги юзлаб қориларга устозлик қилган, бутун умр бўйи Қуръонга ошноликни тарк этмаган Абдулазиз қори ота 2006 йил 7 август куни ҳижрий ҳисоб билан бир юз етти ёшда фоний дунёни тарк этдилар. Жанозаларини улуғ аллома, фазилатли шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф раҳимаҳуллоҳ ўқидилар. У зотнинг барча шогирдлари қатори: «Қори дадамизнинг ётган жойлари нурли, охиратдаги мақомлари улуғ, жаннатдаги даражалари олий бўлсин!» дея Аллоҳ азза ва жалладан сўраб, дуога қўл очамиз.

Аҳмад МУҲАММАД